

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ИМОМНАЗАРОВ АЛИШЕР ХАСАНОВИЧ

**КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА
КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув хуқуқ
ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the doctor of philosophy (PhD)

Имомназаров Алишер Хасанович

Кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштиришнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари.....3

Imamnazarov Alisher Khasanovich

Procedural and criminalistics aspects of improving inspection.....23

Имомназаров Алишер Хасанович

Процессуальные и криминалистические аспекты совершенствования осмотра.....41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....46

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲАЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҶАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ИМОМНАЗАРОВ АЛИШЕР ХАСАНОВИЧ

**КЎЗДАН КЕЧИРИШ ТЕРГОВ ҲАРАКАТИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ПРОЦЕССУАЛ ВА
КРИМИНАЛИСТИК ЖИҲАТЛАРИ**

12.00.09 – Жиноят процесси. Криминалистика, тезкор-қидирув хуқуқ
ва суд экспертизаси

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент шаҳри – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.1.PhD/Yu505 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Хукуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш вебсаҳифасида (www.proacademy.uz) ва “ZiyoNET” Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Астанов Истам Рустамович
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Пулатов Баҳтиёр Халилович
юридик фанлар доктори, профессор

Рахмонова Сурайё Махмудовна
юридик фанлар доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Хукуқни муҳофаза қилиш академияси хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақами Илмий кенгашнинг 2023 йил 27 ноябрь куни соат 10.00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Хукуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: info@proacademy.uz. Тел.: (998971) 202-04-96)

Диссертация автореферати 2023 йил 15 ноябрь куни тарқатилди.

(2023 йил 15 ноябрдаги 8-рақами реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Phd), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда экспертларнинг баҳолашига кўра, “тажминан ҳар соатда 200000 та жиноят содир этилади”¹. Кибержиноятлар ХХI асрнинг энг муҳим жиноятларидан бири бўлиб, ушбу жиноятни тергов қилиш самарадорлиги бор йўғи 0,05%ни ташкил қиласиди². 2021 йилда 75 та давлатда 7 мингдан ортиқ терактлар содир этилганлиги, яъни бир кунда 30 тагача жиноят содир этилишини билдиради. Ушбу жиноятларнинг аксариятида биринчи “кечиририб бўлмайдиган тергов ҳаракати сифатида кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказилади”³. Жиноятларни кўздан кечириш тартиби эса замонавий ёндашувни талаб қиласиди.

Жаҳонда кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тактикаси, кўздан кечириш тергов ҳаракатида замонавий технологиялардан фойдаланиш, кўздан кечиришда рақамли далилларни топиш, тўплаш, портлашдан кейинги кўздан кечиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш алгоритмини шакллантиришга оид илмий тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда кўздан кечириш тергов ҳаракатида далилларни топиш, расмийлаштириш, электрон (рақамли) далилларни олиш ва расмийлаштириш тартибини қонунчиликка киритиш ҳамда амалиётда унинг энг мақбул тартибларини қўллашнинг самарали ечимини топиш ва илмий таҳлил қилиш устувор вазифа ҳисобланади.

Республикамизда 2023 йилнинг 9 ойи давомида содир этилган 3112 та ўта оғир жиноятларнинг 272 таси, 18895 та оғир жиноятларнинг 2697 таси, 19089 та унча оғир бўлмаган жиноятларнинг 1733 таси фош этилмаган. Жиноятларнинг фош этилмаслигининг асосий сабабларидан бири кўздан кечириш тергов ҳаракатида йўл қўйилган хатолар ҳисобланади. Ушбу хатоларга ўта оғир жиноятлар содир этилганда терговчига жуда кеч маълум қилиниши, ҳодиса жойи ўраб олинмаслиги, терговчининг ҳодиса жойида ишларни ташкиллаштира олмаётганлиги, иштирокчилар ўртасида ишларни тўғри тақсимлай олмаётганлиги, тегишли мутахассисларни жалб қилинмаслиги, криминалистик жиҳозлар билан етарли даражада таъминланмаганлиги, баённома расмийлаштиришда, ашёвий далилларни олиш, уларни ўраш, қадоқлашда камчиликлар мавжудлиги, етарли даражада намуналар олинмаслиги, экспертизалар тайинлашда “шаблон” тарзидаги саволлар қўйилиши, экспертлар билан ҳамкорлик етарли даражада йўлга қўйилмаганлиги кабилар киради. Бу эса кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича зарур илмий тадқиқот ўтказиш зарурлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси (1994), “Суд-тергов фаолиятида шахснинг хукуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш

¹ <https://www.newsru.com/crime>.

² Борьба с киберпреступностью - что происходит с законом, когда закон не может быть приведен в исполнение? <articles/borba-s-kiberprestupnostyu-chto-proiskhodit-s-zakonom-kogda-zakon-ne-mozhet-byt-priveden-v-ispolneni>.

³ <Global organized crime index/ocindex.net/rankings?f=rankings&view=List&group=Continent>

кафолатларини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 10 августдаги ПФ-6041-сонли Фармон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ишни судга қадар юритишда ягона идораларо электрон ҳамкорлик тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2022 йил 28 январдаги ПҚ-105-сон Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони ижросини таъминлашда мазкур тадқиқот муайян даражада хизмат қиласди.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот иши илм-фанни ривожлантиришнинг “Юқори малакали илмий ва муҳандис кадрлар тайёрлаш ҳамда уларнинг илмий фаолияти” номли учинчи устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг концепцияси ва моҳияти кўплаб ҳукуқшунос олимлар, жумладан, миллий олимлардан F.Абдумажидов, З.Ф.Иногомжонова, Г.З.Тўлаганова, Д.М.Миразов, Ф.М.Мухитдинов, Б.Б.Хидоятов, С.М.Рахмонова, У.А.Тухташева, Й.Ш.Нарзиев, Ш.Ф.Файзиев, Н.М.Кўشاев, С.Н.Мамадиев, И.Р.Астановлар илмий ишларида, МДҲ давлатлари ҳукуқшунос олимларидан Р.С.Белкин, И.Э.Быховский, Л.В.Винитский, В.А.Жбанков, В.П.Колмаков ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Хорижий мамлакатлар олимларидан эса “Arendra Harendra Nath Singh, Fisher, Barry A. J., Jacqueline Trinkle Fish, Janet Reno, Daniel Marcus, Laurie Robinson Noël Brennan, Jeremy Travis, Marilyn T. Millerлар”⁴ кўздан кечириш ва уни ўтказишга эътибор қаратиш лозим бўлган ҳолатлар бўйича тадқиқот ишлари олиб боришган. Ушбу тадқиқот ишлари кўздан кечиришнинг хорижий мамлакатларда ўтказилиш тартибида бағишлиланган ҳисобланади.

Мазкур диссертация эса кўздан кечиришга оид миллий қонунчилиқдаги ва амалиётидаги мавжуд камчиликларга, ривожланган давлатлар қонунчилиги асосида уни ривожлантириш жараёнларига бағишлиланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқоти иши Ҳукуқни муҳофаза қилиш академиясининг 2021-2023 йилларга мўлжалланган илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Кўздан кечириш тергов ҳаракатини такомиллаштиришнинг процессуал ва криминалистик жиҳатлари” номли илмий тадқиқот йўналишидан келиб чиқиб тайёрланган.

⁴ Harendra Nath Singh. Crime scene investigation. November 2021International Journal of Science and Research (IJSR) 10(11):642-648; Evans C, Criminal Investigation: Crime Scene Investigation, Chelser House Publisher –2009; Fisher, Barry A. J. Techniques of Crime Scene Investigation, 7 th ed, CRC Press LLC – 2004; Jacqueline Trinkle Fish. The Evidence Does Not Lie: evidence Does Not Lie: A Forensic Invensic Investigation Prestigation Program to Bridge the Gaps Between Crime Scene Investigation and Forensic Science. 209 P.; Janet Reno, Daniel Marcus, Laurie Robinson Noël Brennan, Jeremy Travis, Crime Scene Investigation. A Guide for Law Enforcement. 1999 y. 58. Marilyn T. Miller. Crime Scene Investigation. Forensic Science: An Introduction to Scientific and Investigative Techniques. 115-134 P. Hal R. Arenstein, Dexter J. Bartlett. Crime Scene Investigation A Guide for Law Enforcement September 2013.

Тадқиқотнинг мақсади кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича миллий қонунчилик ва амалиёт самарадорлигини ошириш, уни такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

кўздан кечириш тергов ҳаракатининг умумий тавсифи ва вазифаларини таҳлил қилиш;

кўздан кечириш тергов ҳаракати ривожланиш босқичлари (тарихи)ни ўрганиш;

хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда амалиётини ўрганиш ва таҳлил қилиш;

кўздан кечириш тергов ҳаракати бўйича энг муҳим халқаро стандартларни таҳлил қилиш;

кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартибига оид мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларни рўйхатини шакллантириш;

кўздан кечириш тергов ҳаракатини унинг турларидан келиб чиқиб ўтказишнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш;

кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг тактик жиҳатларини таҳлил қилиш ва такомиллаштириш;

кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида қўлланилаётган ва хорижий мамлакатларда қўлланиб келинаётган замонавий технологияларни ўрганиш ҳамда илғор технологияларни амалиётимизга жорий қилиш самарадорлигини ўрганиш;

портлашдан кейинги кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг ўзига хос жиҳатларини таҳлил қилиш ва мавжуд тартибни такомиллаштириш;

кўздан кечиришнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини такомиллаштиришга оид таклифлар ишлаб чиқиши.

Тадқиқотнинг обьекти кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал ва криминалистик жиҳатларини такомиллаштиришга оид ижтимоий-хукуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети кўздан кечириш тергов ҳаракати ўтказиш самарадорлигини оширишга оид норматив-хукуқий хужжатлар, миллий-хукуқий асослар ва илғор хорижий тажриба ҳамда илмий-назарий қарашлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда индукция, дедукция, кузатув, қиёсий-хукуқий, мантиқий, статистик маълумотлар таҳлили, ижтимоий сўров, илмий манбаларни тадқиқ этиш каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйидагиларда намоён бўлади:

алоҳида ҳолларда кўздан кечириш тергов ҳаракатларини холислар иштирокисиз, аудио ва видеоёзувга узлуксиз қайд этган ҳолда амалга ошириши лозимлиги асослантириб берилган;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни барча жиноят ишлари бўйича видеотасвирга олиш тартибини қонунга киритиш таклиф қилинган;

электрон маълумотларни кўздан кечириш тури сифатида ЖПКда акс этиши лозимлиги асослантирилган;

объектни самарали кўздан кечириш учун дастлабки кўздан кечириш шароити нокулай бўлганда, дастлабки кўздан кечиришдан сўнг янги маълумотлар олинганда, дастлабки кўздан кечириш сифатсиз амалга оширилганда такорран кўздан кечириш ўtkазилиши лозимлиги таклиф қилинган;

ЖПКда кўздан кечириш жараёнида ҳодиса содир бўлган жойдан олинадиган, ўраладиган, муҳрланадиган излар, хужжатлар, нарсалар қаторига электрон маълумотларни (уларни ташувчисини) ҳам киритиш лозимлиги таклиф қилинган;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси йўналишлари қаторига оналар ва болалар ўлими, қийноққа солиш бўйича терговга қадар текширув устидан назоратни таъминлашни ҳам киритиш таклиф қилинган;

прокуратура тизимида прокурор-криминалист ҳамда Бош прокуратурада бошқарма катта прокурор-криминалисти лавозимларини жорий қилиш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қўйидагиларда намоён бўлади:

кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнида амалиётда йўл қўйилаётган камчиликлар рўйхати шакллантирилди ва бу орқали келажакда терговчилар томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар реестри яратилди;

терговчилар учун телефон орқали кўздан кечириш тергов ҳаракати жараёнида амалга ошириши керак бўлган ҳаракатлар кетма кетлиги акс этган телеграмм бот яратилди;

кўздан кечиришда амалга ошириладиган ҳаракатлар алгоритми яратилди;

кўздан кечиришда фойдаланиладиган техник воситалар изоҳланди, уларни такомиллаштириш самарадорлиги асослантирилди;

кўздан кечириш ўтказиш жараёнини ягона тартибини жорий қилиш самарадорлигини таъминловчи амалий услубий қўлланма чоп этилди ва терговчилар ва ХМҚОларга юборилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда амалдаги қонунчилик, хорижий мамлакатлар амалиёти, ижтимоий сўровлар, статистик маълумотлар, жиноятлар ишлари оид 500 дан ортиқ жиноят ишлари бўйича хужжатлар ўрганилган. Хуносалар апробациядан ўтган ҳамда миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Тадқиқот иши юзасидан шакллантирилган натижалар ваколатли органлар томонидан ижобий баҳолангандан ҳамда амалиётга жорий қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларининг илмий аҳамияти илгари сурилган ғоялар кўздан кечиришга оид назарий тушунчаларни такомиллаштиришга, кўздан кечириш жараёнини самарадорлигини оширишга, кўздан кечиришнинг янги турларини жорий қилишга хизмат қиласди.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, илмий ишда шакллантирилган хуносалар асосида кўздан кечиришни тартибга солувчи

қонунчиллик ҳамда амалиётни такомиллаштиришда намоён бўлади. Хусусан, суриширув, дастлабки тергов, суд органларининг фаолиятни самарадорлигини оширишда, олий юридик таълим муассасаларининг ўкув жараёнида, жиноятларни тергов қилишга оид фанларни ўтишда, тергов йўналиши бўйича тадқиқотлар олиб бориш учун фойдаланишда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кўздан кечиришни такомиллаштиришга оид тадқиқот натижалари қўйидагиларда ўз ифодасини топган:

ЖПКда назарда тутилган алоҳида ҳолларда кўздан кечириш тергов ҳаракатларини холислар иштирокисиз, аудио- ва видеоёзувга узлуксиз қайд этган ҳолда амалга ошириши мумкинлигига доир таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг 97-моддаси 2-қисмини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўtkазиш сифатини ошириш баробарида тергов ҳаракатини қонунийлигини асослаш аҳамиятини оширишга хизмат қилган;

ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришни барча жиноят ишлари бўйича видеотасвирга олишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг “Далилларни қайд этишнинг ёрдамчи усуллари” деб номланган 113-моддаси 3-қисмини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши кўздан кечириш тергов ҳаракатининг далилий аҳамиятини янада кучайтиришга хизмат қилган;

электрон маълумотларни кўздан кечириш тури сифатида ЖПКда акс этиши лозимлигига оид таклифдан “Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг “Кўздан кечириш учун асослар” деб номланган 166-моддаси 1-қисмини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши кўздан кечириш жараёнида янги объект бўлган электрон маълумотларни ҳам текшириш лозимлиги бўйича тартибни жорий қилиш имкониятини берган;

объектни самарали кўздан кечириш учун дастлабки кўздан кечириш шароити қулай бўлмаганда, дастлабки кўздан кечиришдан сўнг янги маълумотлар олинганда, дастлабки кўздан кечириш сифатсиз амалга оширилганда қайта кўздан кечириш ўтказилишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг кўздан кечиришнинг умумий қоидаларига оид 167-моддасини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши дастлабки кўздан кечириш жараёнида йўл қўйилган хато ва камчиликларни қонуний бартараф этиш имкониятини шакллантиришга хизмат қилган;

ЖПКда кўздан кечириш жойидан олинган ва ўралиб, муҳрланадиган нарсалар, ҳужжатлар ва излар қаторига электрон маълумотларни (уларни ташувчисини) киритишга оид таклифдан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳасининг ҳодиса жойини кўздан кечиришга оид 168-моддаси З-қисмини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши кўздан кечириш жараёнида ўралиб, муҳрланиши лозим бўлган ашёлар доирасини кенгайтириш ва шу орқали далилий ашёлар хавфсизлигини таъминлашни кафолатлашга хизмат қилган;

Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратураси тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси йўналишлари қаторига оналар ва болалар ўлими, қийноққа солиш бўйича терговга қадар текширув устидан назоратни таъминлашни ҳам киритишга оид таклифдан Баш прокурорнинг 12.07.2021 йилдаги 243-сон буйруғи асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомнинг 7-бандини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши оналар ва болалар ўлими, қийноққа солиш бўйича терговга қадар текширув жараёни назоратини кучайтиришга хизмат қилган;

прокуратура тизимида прокурор-кrimиналист ҳамда Баш прокуратурада бошқарма катта прокурор-кrimиналисти лавозимини жорий қилишга оид таклифдан Баш прокурорнинг 12.07.2021 йилдаги 243-сон буйруғи асосида қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг Прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси тўғрисида”ги Низомнинг 15-бандини шакллантиришда инобатга олинган (Ўзбекистон Республикаси Баш прокуратурасининг 2022 йил 20 майдаги далолатномаси). Ушбу таклифларнинг жорий этилиши кўздан кечириш тергов ҳаракатини сифатли амалга оширишга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг аprobацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 2 та республика илмий-амалий конференцияларида (жами 5 та) муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганини. Тадқиқот доирасида 6 та миллий журналларда, 2 та илмий тўпламларда, 3 та хорижий журналларда, 3 та халқаро тўпламларда мақолалар (жами 14 та мақола) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация тузилиши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат бўлиб, унинг ҳажми 156 бетни ташкил қиласди.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг кириш (диссертация аннотацияси) қисмida тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ҳамда технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, уларнинг жорий қилиниши, натижаларнинг апробацияси, эълон қилингандиги ва диссертациянинг ҳажми ва тузилишига оид маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг тадрижий ривожланиши ва юридик табиати” деб номланаб, уч параграфдан иборат. Биринчи параграф “Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг ривожланиши тарихи”га бағишлиган бўлиб, унда кўздан кечириш тергов ҳаракати ҳақидағи дастлабки маълумотлар Ҳиндистоннинг Ману қонунларида берилганлиги, Хитой тиббиёт манбаларидан ҳисобланган “Си-Юань-лу” асарида мурдани кўздан кечиришга оид тартиблар ёзилганлиги, Ислом дини манбаси бўлган Куръони Каримнинг Юсуф сурасида кўздан кечириш орқали инсон ҳолатига баҳо берилганлик ҳолати баёни, Людовик XIV даврида Ордонанс қонунлар тўплами жорий қилиниб, унга кўра, шифокорлар томонидан мурдани кўздан кечириш тартиби белгиланганлиги, 1016 йилги “Рус ҳақиқати” да ўғрини аниқлашда изларни кўздан кечириш тартиби изоҳланганлиги, биринчи марта кўздан кечириш атамасининг қонунларда акс этиши 1529, 1566, 1588 йилларда Литва Буюк Герцоги Низомида акс этганлиги, 1715 йилги Ҳарбий Артикулда мурдани судда кўздан кечириш тартиби баён қилинганлиги, Францияда 1808 йилда Жиноят-процессуал кодекси қабул қилиниб кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш тартиби жорий қилинганлиги, кўздан кечириш тергов ҳаракати институтининг биринчи тўла-тўқис тилга олиниши 1864 йилги жиноят иш юритуви Низомида баён қилинганлиги, Б.Л.Бразол 1916 йилда “Тергов бўлинмалари оид қиссалар” номли рисоласида турли обьектларни (нарса-буюм, ашёвий далиллар, ҳужжатлар ва ҳ.к.) кўздан кечириш тактикаси ва усуллари баён этганлиги, кўздан кечириш жараёни 1922 йилдаги РСФСР Жиноят-процессуал кодексида акс этганлиги ҳамда у гувоҳлантириш билан аралаш ҳолатда баён қилинганлиги, 1929 йилги Жиноят процессуал кодексида кўздан кечириш тергов ҳаракати қонуннинг турли моддаларида акс этганлиги, 1959 йилги Ўзбекистон ССР кодекси 425 моддадан иборат бўлиб, унда кўздан кечириш тергов ҳаракати гувоҳлантириш билан бирга изоҳланиб, 14-бобда жойлашганлиги, 1994 йил 22 сентябрда кўздан кечиришга оид нормалар кенг баён қилинган Жиноят-процессуал кодекси қабул қилинганлиги ва бугунги кунга қадар унга киритилган кўздан кечиришга оид қўшимча ва ўзгартиришлар баён қилинган.

Ушбу бобнинг “Кўздан кечириш тергов ҳаракатининг умумий тавсифи ва вазифалари” деб номланган иккинчи параграфи тергов ҳаракати

тушунчасини баён қилиш билан бошланиб, тергов ҳаракатларини 4 гурухга бўлинганлиги, кўздан кечириш қузатув билан боғлиқ бўлган тергов ҳаракатлари сирасига кириши изоҳланган. Кўздан кечириш тергов ҳаракатига оид А.Г.Аленников, А.Н.Василев, Бонье, Фейербах, Ярке, Anon, Р.С.Белкин, М.П.Хилобок, А.Образцов ва А.А.Топорков, Л.А.Иванов, О.Я.Баев фикрлари таҳлил қилиниб, унга муаллифлик таърифи берилган.

Кўздан кечириш тергов ҳаракатига оид муаллифлик таърифининг муҳим компонентлари бирма-бир таҳлил қилинган, яъни жиноят ҳодисаси мавжуд ёки йўқлиги, ҳодиса жойи, моддий ва номоддий излар, текширилаётган обьект, тўғридан-тўғри, бевосита ёки билвосита далилларни топиш, олиш, идрок этиши тушунчалари изоҳланган.

Кўздан кечиришнинг вазифалари баён қилиниб, унинг умумий ва маҳсус турлари мавжудлиги ва уларнинг ўзига хослиги таҳлил қилинган. Кўздан кечириш тергов ҳаракати бошқа тергов ҳаракатларидан индивидуаллиги билан фарқланиши ва у нималарда акс этиши изоҳланган.

“Кўздан кечириши тергов ҳаракатининг турлари ва уларни ўзига хос жиҳатлари” деб номланган учинчи параграфда кўздан кечириш турлари изоҳланниб, уларга ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш, мурдани кўздан кечириш, ҳайвонлар ва уларнинг жасадларини ёки улардан қолган изларни кўздан кечириш, жиноят ишга алоқадор теварак-атрофни, биноларни кўздан кечириш, ашёвий далил ҳисобланган нарса ва предметларни ёки хужжатларни кўздан кечириш, транспорт воситаларини кўздан кечириш, рақамли (электрон) маълумотларни кўздан кечириш кириши баён қилинган. Охирги икки обьект кўздан кечириш тури сифатида ЖПКга киритилмаганлиги сабабли ЖПКнинг кўздан кечириш учун асослари деб номланган 135-моддасига транспорт воситаларини ҳамда рақамли (электрон) маълумотларни киритиш таклиф қилинган. Кўздан кечириш турлари бўйича олимларнинг фикрлари ҳар хиллиги изоҳланган, масалан, А.А.Закатова улар жумласига транспорт воситаларини, механизмлар, сув ва ҳаво муҳити, ҳашаротлар, ўсимликлар, асори-атиқалар, энергия иншоотларини киритган бўлса, Р.С.Белкин тирик одамларни киритган.

Криминалистик адабиётларда дастлабки, такрорий ва қўшимча кўздан кечириш турлари мавжудлиги изоҳланниб, қўшимча ва такрорий кўздан кечиришга оид муаллифлик таърифи берилган. Шундан сўнг кўздан кечириш турлари бирма бир таҳлил қилиб чиқилган. Ҳодиса жойини кўздан кечириш турининг ўзига хослиги, уни умумий ва маҳсус вазифалари таҳлил қилинган, уни ўтказишда риоя қилинадиган принциплари, босқичлари баён қилинган ҳамда ушбу тушунчага муаллифлик таърифи берилган. Нарсаларни кўздан кечириш тури баён қилиниб, микрообъектларга обьект сифатида алоҳида эътибор қаратилган. Шундан сўнг, хужжатларни, ҳайвонларни, бинолар ва иншоотларни, мурдани кўздан кечириш тартиби баён қилинган. Транспорт воситасини кўздан кечириш тартиби изоҳланниб, унга муаллифлик таърифи берилган ҳамда ЖПКга “Транспорт воситасини кўздан кечириш” деб номланган 138¹-модда киритиш таклиф қилинган. Рақамли маълумот

ташувчиларни кўздан кечириш тартиби изоҳланган. ЖПКга “Рақамли маълумот ташувчиларни кўздан кечириш” деб номланган қуидаги мазмундаги 140¹-модда киритиш таклиф қилинган.

Диссертациянинг иккинчи боби “Жиноят ишлари бўйича кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал ва криминалистик тартиби” деб номланиб, тўрт параграфни ўз ичига олади. Биринчи параграф “Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг процессуал жиҳатлари” деб номланган бўлиб, ўта оғир жиноятлар бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш видеоёзув орқали қайд этилиши шартлиги (ЖПКнинг 91-моддаси) баробарида оғир жиноятлар бўйича ҳодиса жойини кўздан кечириш ҳамда рақамли далилларни ташувчи воситаларни кўздан кечириш жараёнида ҳам видеоёзувдан фойдаланиш мақсадга мувофиқлиги таклиф қилинган.

ЖПКнинг “Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари” деб номланган 136-моддаси 2-қисмига истисно ҳолатлар кўрсатилиб, шу ҳолатларда кўздан кечириш холислар иштирокисиз, видеоёзувга қайд этиш ёки маҳсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкинлиги таклиф қилинган.

ЖПКнинг “Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари” деб номланган 136-моддаси 2-қисмидан кейин дипломатик ваколатхоналарни кўздан кечириш тартибини киритиш таклиф қилинган.

ЖПКнинг “Кўздан кечириш тартибининг умумий қоидалари” деб номланган 136-моддаси 4-қисмида иштирокчилар доирасини терговга қадар текширувни амалга оширувчи орган мансабдор шахси ҳисобига кенгайтириш таклиф қилинган.

ЖПКнинг “Жиноятга оид аризалар, хабарлар ва бошқа маълумотларни кўриб чиқиши тартиби” деб номланувчи 329-моддаси иккинчи қисмидаги “ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш” жумласини “кўздан кечириш” жумласига алмаштириш таклиф қилинган.

Жиноят-процессуал кодекси билан бир қаторда “Ҳодиса содир бўлган жой ҳолатини ўзгартириш, далилларни йўқотиши ёки йўқ қилишининг олдини олишга қаратилган биринчи навбатдаги чора-тадбирларни кўриш тартиби тўғрисида”ги йўриқнома қоидалари таҳлил қилинган. Ушбу йўриқномадаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш қоидаси баён қилинган бўлиб, унинг ўрнига кўздан кечириш тушунчасини киритиш таклиф қилинган. Йўриқнома юзасидан, ҳодиса ҳақида хабар олгандан сўнг, кетиш олдидан тайёргарлик чоралари, ҳодиса жойига етиб келгач, кўздан кечириш тергов ҳаракатига киришишдан олдинги тайёргарлик, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан олдин амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар, кўздан кечириш баённомасига қўйилган талаблар изоҳланган, кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказиш жараёнига оид амалиётда юзага келаётган хато ва камчиликлар реестри шакллантирилган ҳамда амалиётдаги мисоллар билан баён қилинган.

Иккинчи параграф “Кўздан кечириш тергов ҳаракатини ўтказишнинг криминалистик жиҳатлари” деб номланиб, унда кўздан кечиришининг

тўлиқлилиги таъминланиш бўйича терговчи жавоб бериши лозим бўлган талаблар баён қилинган. Кўздан кечириша баённомани расмийлаштиришнинг тактик жиҳатлари изоҳланган.

Тергов ҳаракатида ҳозир бўлганларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий хавф туғдирадиган ҳолатларда кўздан кечириш тартиблари изоҳланган.

Криминалистик тактикага оид адабиётлар, ушбу мавзу бўйича услубий қўлланмаларда жиноят содир этилган жойни тўғри текширишни қандай амалга ошириш кераклиги, текшириш давомида йўл қўйиб бўлмайдиган хатолар ва уларнинг оқибатлари баён қилинган. Шунингдек, кўздан кечиришга тайёрланиш босқичидаги, кўздан кечириш вақтида юзага келадиган тактик, кўздан кечириш тергов ҳаракатининг сўнгги босқичида йўл қўйиладиган камчиликлар изоҳланган. Кўздан кечириш жараёнида олинадиган далилларнинг турлари санаб ўтилган.

Воқеа жойини, теварак-атроф ва биноларни кўздан кечириш фойдаланадиган қатор қидириш усули, сетка усули, концентрик усул, эксцентрик, фронтал, квадрат усули, панжара усули, параллел усул, ташқи айлана усули, ички айлана усуллари баён қилиб чиқилган. Жиноят жойининг фотосуратга олишдаги муҳим масалалари унинг эскизини тайёрлаш тартиби баён қилинган.

Мурдани кўздан кечириш тартиби таҳлил қилиниб, мурдани ҳодиса содир бўлган жойда кўздан кечириш босқичлари ундаги ҳаракатлар изоҳланган. Бундан ташқари, нарсаларни, ҳайвонларни кўздан кечириш усуллари баён қилинган.

Хужжатларни кўздан кечириш тартиби изоҳланиб, хужжатларни кўздан кечиришда эътибор қаратилиши бўлган ҳолатлар, амал қилиш лозим бўлган қоидалар санаб ўтилган ҳамда хужжатнинг сохталигини аниқлаш тартиби баён қилинган.

Тадқиқотнинг “Портлашдан кейинги кўздан кечириши тергов ҳаракатини ўтказишнинг ўзига хослиги” деб номланган учинчи параграфда портловчи воситалар мавжуд деган тахмин остида кўздан кечириш жараёнида шошилинч чора сифатида амалга оширилиши лозим бўлган ҳаракатлар санаб ўтилган. Портлаш содир бўлган жойга борища тезкор-тергов гуруҳи маҳсус тергов чемоданида бўлиши лозим бўлган ашёлар, иштирокчиларининг кийимларига қўйилган талаблар, биринчи ёрдам учун заруриятини текшириш зарурлиги, катта майдонларда ва кўп қаватли биноларда ишлашда текширув иштирокчилари ўртасида алокани таъминлаш чораларини таъминлаш чоралари баён қилинган.

Портлаш жойини сифатли ва самарали текшириш учун риоя қилиш керак бўлган шартлар изоҳланган. Портлаш жойини кўздан кечиришнинг асосий вазифалари таҳлил қилинган. Портлаш жойини кўздан кечириш жараёнининг 12 босқичи санаб ўтилиб, таҳлил қилинган. Тезкор-тергов гуруҳи раҳбари воқеа жойига етиб келгач амалга оширилиши керак бўлган ҳаракатлар алгоритими изоҳланган. Жасад, унинг бўлаклари мавжуд бўлган тақдирда, текшириш баённомасида баён этилиши зарур бўлган маълумотлар санаб ўтилган.

Портлаш жойида кўздан кечириш жараёнида ашёвий далилларни олишда уларни ўраш тартиблари, қоидалари баён қилинган.

Тадқиқотнинг “Ахборот технология воситалари ёрдамида содир этилган жиноятлар бўйича кўздан кечириши ўтказиш тактикаси” деб номланган тўртинчи параграфда компьютер маълумотларини аниқлаш ва олишга қаратилган кўздан кечиришдаги мавжуд ҳолатлар баён қилинган, компьютер техникаси ва технологияларини кўздан кечиришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳаракатлар кетма-кетлиги таҳлил қилинган. Рақамли қурилмаларни кўздан кечириш жараёнида терговчи амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлар юзасидан тавсия баён қилинган. Рақамли ахборот майдонини ташкил этувчи криминалистик обьектларининг ўзига хос хусусиятлари санаб ўтилган. Ахборот технология воситалари ёрдамида содир этилган жиноятлар юзасидан кўздан кечириши ўтказиш бўйича қўлланилиши мумкин бўлган асосий тактик усуллар кўрсатиб ўтилган. Компьютер воситаларининг дастурий ва аппарат воситаларини кўздан кечириш баённомасида кўрсатилиши керак бўлган маълумотлар санаб ўтилган. Компьютер обьектларини текширишнинг мақсадлари изоҳланган. Компьютер кўздан кечирилиши лозим бўлганда ҳамда у ишлаб турганда амалга ошириш керак бўлган ҳаракатлар тизими баён қилинган. Рақамли далилларни кўздан кечириш жараёнида олиш ва қадоқлаш тартиби алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот ишининг учинчи боби “Кўздан кечиришга оид хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, ҳалқаро стандартлар ва уни тақомиллаштириш масалалари” деб номланиб, уч параграфдан иборат. Мазкур бобнинг биринчи параграфи “Хорижий мамлакатлар жиноят-процессуал қонунчилиги ва амалиётида кўздан кечириши тергов ҳаракати имкониятларидан фойдаланиши” деб номланган бўлиб, унда АҚШ, Франция, Ҳиндистон, Қозоғистон, Британия ва бошқа давлатлар қонунчиликларида кўздан кечириш тергов ҳаракатининг гувоҳлантириш ва бошқа тергов ҳаракатлари билан умумлашган таърифини кўриш мумкин. МДҲ давлатлари қонунчилигига ҳодиса жойини кўздан кечириш вазифалари баёни берилган.

Россия Федерацияси Жиноят-процессуал кодекси таҳлил қилиниб, ушбу кодекс 24-боби кўздан кечириш ҳамда тергов экспериментига бағишланганлиги баён қилинган. Ушбу қонунда жиноят ишини қўзғатишдан олдин миллий қонунчилигимиздаги ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечиришдан ташқари бошқа турларини ҳам ўтказиш мумкинлиги изоҳланган.

Қозоғистон Жиноят-процессуал кодекси таҳлил қилиниб, кўздан кечириш обьекти доирасига тирик инсонни ҳам киритганлиги баён қилинган. Тергов судьяси кўздан кечиришнинг қонунийлигини текшириш ваколати мавжудлиги изоҳланган. Қўшимча ва қайта кўздан кечириш тартиблари изоҳланган. Тадқиқотчи ушбу кодексининг 221-моддаси, яъни “Ашёвий далилларни кўздан кечириш ва сақлаш” деб номланган нормасини таҳлил қилиб, ушбу далилларни олиб қўйиш, ҳисобга олиш, сақлаш, топшириш ва йўқ қилиш тартибларининг мавжудлигини ижобий баҳолаган ва ушбу тартибни миллий қонунчилигимизга киритиш фикрини илгари сурган.

Япония Жиноят-процессуал кодекси таҳлил қилиниб, 218-моддасининг қоидаларига мувоғиқ тинтүв, олиб қўйиш ёки кўздан кечиришда зарур бўлганда, прокурорлар, прокурор ёрдамчилари ёки суд, полиция мансабдор шахслари рухсати билан гумон қилинувчи ҳам ушбу жараёнларда иштирок этиши мумкинлиги баён қилинган.

Германия Жиноят-процессуал кодекси таҳлил қилинганда, кодекснинг 87-моддасида мурдани ёриб, ички органларини кўздан кечириш тартиби баён қилинган, мурданинг тириклигига унинг соғлиғига ғамхўрлик қилган тиббиёт ходимининг мурдани кўздан кечириш жараёнини ўтказиши тақиқланиши изоҳланган. Ушбу тартибни Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида акс эттириш лозимлиги таклиф қилинган.

Хитой Жиноят-процессуал кодекси таҳлил қилиниб, кодекснинг 104-моддасида хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мурдани ички кўздан кечириш лозимлиги тўғрисида қарор қабул қилиб, унинг қариндошларини ушбу жараён қаерда ўтказилиши ҳақида хабар бериши ифодаланган. Ушбу кодексда ҳам кўпгина бошқа давлатлар кодекслари сингари кўздан кечириш ва гувоҳлантиришлар бир моддада баён қилинган, масалан, уларнинг баённомаларини тўлдириш тартиби 106-моддада ифодаланган.

“Кўздан кечириши тергов ҳаракати бўйича халқаро стандартлар” деб номланган 2-параграфда ISO/IEC 17020” (Умумий текшириш бўйича халқаро стандарт) ва “ILAC-G19” стандартларига кўра офицер томонидан ҳодиса жойини кўздан кечиришидан бошлаб баённома тузишгача тартиблар баён қилинган. Тергов ва қriminalistik амалиётчилар учун самарадорликни таъминловчи стандартлар ENFSI QCC компетентлигини тасдиқлаш лойиҳаси (САР) груҳи томонидан фойдаланиш учун ишлаб чиқилган. Стандартлар воқеа жойига келган биринчи офицернинг ҳаракатларидан тортиб, воқеа жойини кўздан кечириш бошқа ҳаракатларни қамраб олганлиги изоҳланган. Ушбу стандартларга кўра, кўздан кечириш жиноят жойига етиб келиш, жиноят жойини дастлабки баҳолаш, жиноят жойини текшириш, жиноят жойидаги изларни қидириш ва тўплаш, ҳодиса жойи ташқарисидаги изларни қидириш ва олиш, жиноят жойини текширишни якунлаш каби босқичлардан иборатлиги ҳамда уларда қандай ҳаракатлар кетма-кетлиги бажарилиши лозимлиги изоҳланган.

“Кўздан кечириши тергов ҳаракатини ўтказиши сифатини яхшилашда замонавий технологиялардан фойдаланиш” деб номланган 3-параграфда воқеа жойини кўздан кечиришда қўлланиладиган 4 та йирик туркумдаги воситалар, яъни оптик жиҳозлар, суратга олиш воситалари, ёритиш қурилмалари овоз ва видеоёзув қурилмалар изоҳланган. Кўздан кечиришда дронлардан фойдаланиш самарадорлиги асослаб берилган. Ҳодиса жойини дастлабки кўздан кечиргач, “3D” моделлар орқали кўздан кечириш афзалликлари баён қилинган. “Faro Focus 3D” техник воситаси йўл транспорт ҳодисаси юз берган жойни кўздан кечириш, шунингдек, уч томонли лазер-сканер кўринишини яратиш самарадорлиги баён қилинган. Ҳодиса жойини кўздан кечиришда қўлланиладиган сунъий ёритгич аппаратлари турлари ва

афзаликлари баён қилингандар. Электрон-оптик ўзгартгичлар “ВЕС-4”, Релеф-1, С-70 имкониятлари изоҳланган.

ХУЛОСА

I. Криминалистика ва жиноят-процессуал хуқуқининг назарий жиҳатларини ривожлантиришга оид тавсиялар:

1. *Кўздан кечириши* – жиноят ҳодисаси мавжуд ёки йўқлиги, мавжуд бўлганда ҳодиса жойида ёки бошқа жойларда жиноят ишида ҳақиқатни аниқлаш учун муҳим бўлган белгилар ва хусусиятларни ўзида акс эттирган далилий аҳамиятга эга моддий ва номоддий объектларни топиш, олиш баҳолашга қаратилган тергов ҳаракатидир.

2. *Кўшимча кўздан кечириши* – дастлабки кўздан кечириш объектнинг тафсилотлари ўрганилмаган, жараёнда бўшлиқлар, ҳаракатлар тўлиқ амалга оширилмаганда ўтказиладиган кўздан кечиришнинг процессуал тури ҳисобланади.

3. *Қайта кўздан кечириши* – объектни самарали кўздан кечириш учун бирламчи кўздан кечириш нокулай шароитларда ўтказилганда, янги маълумотлар олишга эҳтиёж сезилганда, сифатсиз амалга оширилганда ўтказиладиган кўздан кечириш туридир.

4. *Ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириши* – жиноят содир этилган жойда жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш, воқеа содир бўлиш механизми ҳамда тергов қилинаётган ҳодисаси ҳолатлари тўғрисида хулоса чиқариш имконини берадиган фактик маълумотларни аниқлашга қаратилган кўздан кечиришнинг тури ҳисобланади.

5. *Транспорт воситасини кўздан кечириши* – транспорт воситасида жиноятга алоқадор изларнинг, ашёвий далилларнинг мавжудлиги, транспорт воситасининг тури, тегишлилигини аниқлаш, етказилган шикаст даражасини аниқлашга қаратилган кўздан кечиришнинг бир туридир.

II. Жиноят-процессуал кодекси ва Бош прокурор буйруқларини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар:

6. ЖПКнинг 91-моддасида видеоёзув орқали қайд этилиши шарт бўлган процессуал ҳаракатлар жумласига *рақамли маълумотларни кўздан кечириши жараёнини* ҳам киритиш таклиф қилинади.

7. ЖПКнинг кўздан кечириш учун асослари деб номланган 135-моддасига унинг тури сифатида *транспорт воситаларини ҳамда рақамли (электрон) маълумотларни* киритиш таклиф қилинади. Шунда ушбу норма қуидагича бўлади:

“Жиноят излари, ашёвий далилларни топиш, ҳодиса содир бўлган вазиятни ва иш учун аҳамиятли бўлган бошқа ҳолатларни аниқлаштириш

мақсадида терговга қадар текширувни амалга оширувчи органнинг мансабдор шахси, суриштирувчи, терговчи ёки суд ҳодиса содир бўлган жойни, мурдани, ҳайвонларни, теварак-атрофни, биноларни, **транспорт воситасини**, нарсалар ва ҳужжатларни, **электрон (рақамли) маълумотларни** кўздан кечиради”.

8. ЖПКнинг кўздан кечиришнинг умумий қоидаларига бағишлиланган 136-моддаси 2-қисмига қуйидаги мазмундаги норма киритиш таклиф қилинади:

“Истисно ҳолларда, яъни:

- 1) олис ва етиб бории қийин бўлган ҳудудларда;
- 2) одамларнинг ҳаёти ва соглигига хавф түгдирини мумкин бўлган ҳолларда;
- 3) кечиктириб бўлмайдиган ҳолатларда, тунги вақтларда кўздан кечириши холислар иштирокисиз, видеоёзувга қайд этиши техник воситалардан фойдаланган ҳолда амалга оширилиши мумкин”.

9. ЖПКнинг кўздан кечиришнинг умумий қоидаларига бағишлиланган 136-моддаси 2-қисмидан кейин дипломатик ваколатхоналарни кўздан кечириш тартибини киритиш таклиф қилинди. Унга кўра, ушбу қисм қуйидаги шаклда изоҳланиши мақсадга мувофиқ:

